

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Янгиқўрғон туман»  
Ҳокимлиги



М. Сотиболдиев

2022й

**БУЮРТМАЧИ:**

**«Янгиқўрғон туман» ҳокимияти**

Янгиқўрғон тумани Гаистон МФЙ биносини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгиқўрғон туман-2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Янгиқўрғон тумани Гаистон МФЙ биносини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш учун энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 97 229 512 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Янгиқўрғон туман” ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Мустақиллик кўчаси 1 уй

Эл.адрес: \_\_\_\_\_

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.



Янгиқўрғон тумани Гаистон МФЙ биносини жорий таъмирдан ўтказиш  
 таклифни танлаб олиш  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Янгиқўрғон тумани Гаистон МФЙ биноси
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Туман ҳокимининг 07,04,2022 йилдаги 162-6-90-Q/22-сонли қарори
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқўрғон туман Мустақиллик майдони кўчаси 1 уй
5	Қатнашувчи учун талаблар	<ol style="list-style-type: none"> <li>1 Корхона тугрисида тулик маълумот.</li> <li>2. Корхонани молиявий ахволи</li> <li>3. Давлат солиқ инспекциясидан қарздорлик йуклиги тугрисида маълумот</li> <li>4 Корхонанинг 3 йиллик фаолияти тугрисида батафсил маълумот.</li> <li>5. Техникалар тугрисида маълумот.</li> <li>6. Корхонанинг ишчи ходимлар буйича маълумот тақдим этилади, қорхона таъсисчи ва раҳбарининг шахсий ИННси ва шахсий паспорт нухаси</li> </ol>
6	Иш тури	Буюртма асосида ишлаб чиқарувчи томонидан курсатилган иш хизматларни бажариш.
7	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 31 декабр
8	Молиялаштириш манбаи	Янгиқўрғон туман ҳокимлиги